



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2026 йил 8 апрель, № 68 (9239)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари спорт нафақат мусобақа, балки соғлом турмуш тарзи, интизом, ватанпарварлик ва мамлакат нуфузини намён этакдан катта куч эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, сўнгги тўққиз йилда 1,5 мингдан зиёд маҳаллаларда 1 минг 774 та замонавий спорт майдончаси барпо этилди. Худудларда 200 дан ортиқ йирик спорт иншоотлари, 4 мингга яқин хусусий спорт клублари иш бошлади. Спорт билан профессионал шугулланувчи ёшлар сони 2 қарра ошди, олимпия терма жамоалари спортчилари 2 баробар, паралимпия бўйича эса 3 баробар кўпайди.

Биргина ўтган йилда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 452 та олтин, 418 та кумуш ва 501 та бронза медални қўлга киритди. Уларнинг 50 нафардан зиёди жаҳон ва Осиё рекордларини янгилади.

Йиғилишда соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Бугун олимпиада спорт турлари бўйича фаолият юритаётган 26 та федерация раҳбарлари ва ҳокимлар жойлардаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солмагани таъкид қилинди. Хусусан, 207 та олийгоҳ, 15 та олимпия ва паралимпия маркази, 310 та спорт мактаби, 16 та спорт интернатининг имкониятларидан самарали фойдаланилганда, чемпион тайёрлаш ва мусобақаларга лицензия қўлга киритиш борасида натижалар билан ҳамкорликда 2 та усти ёпиқ футбол майдони ва фитнес клуб ташкил қилинган. Натижада Зарбдор тумани илк бор волейбол ва стол теннис бўйича жорий йилги Ўзбекистон чемпионатида медаллик қилди.

Бу борада ижобий тажрибалар ҳам қайд этилди. Масалан, Зарбдор туманида ўтган йилги 23 та маҳалладаги 34 минг ёш оммавий спортга жалб этилган. Туманда 3 та янги спорт зали қурилиб, стол тенниси, таэквондо ва волейболга ихтисослаштирилган. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда 2 та усти ёпиқ футбол майдони ва фитнес клуб ташкил қилинган. Натижада Зарбдор тумани илк бор волейбол ва стол теннис бўйича жорий йилги Ўзбекистон чемпионатида медаллик қилди.

Мутасаддиларга Зарбдор тажрибасини ўрганиб, уни барча худудларда жорий қилиш топширилди.

Айрим мактабларда тўғарақлар фақат номига ташкил этилган, шу боис уларга 3-4 нафардангина бола қатнашиб келаётгани кўрсатиб ўтилди. Жумладан, ўтган йили Жиззах, Қашқадарё ва Фарғонадаги мактаб ўқувчиларининг тўртдан бири жисмоний тайёргарлик бўйича минимал талабни ҳам бажара олмаган.

Ҳокимлар олдида ҳар бир мак-

табда спорт тўғарақлари учун зарур шароит яратиш, қамровни ошириш ва болаларни спортга кенг жалб этиш вазифаси қўйилди.

Бугун айрим ихтисослаштирилган спорт мактабларининг натижаси оддий спорт мактабларидан фарқ қилмай қолган. Масалан, Термиз шаҳридаги 4 та ихтисослаштирилган мактабнинг натижаси Жарқўғондаги битта спорт мактабига тенг эмас. Жарқўғон спорт мактаби ўтган йили Осиё ва жаҳон чемпионатларида 6 та соврин олган бўлса, вилоятдаги 4 та ихтисослаштирилган мактабда жами 1 та медал бор, холос.

Шу муносабат билан ҳар бир ихтисослаштирилган спорт мактаби директори, жамоаси ва мураббийларининг иш услубини ўзгартириш, “ўсиш нуқталари”ни аниқ белгилаш, уларнинг ойлик маошини тарбияланувчилар натижасига боғлаш зарурлиги таъкидланди.

Қолаверса, юқори натижага эришган спорт мактабларини амалдаги рағбатлантиришдан ташқари яна 500 миллион сўмдан алоҳида мукофотлаш тизими жорий этилди.

Олий таълим муассасаларида спортни ривожлантириш ишлари ҳам танқидий кўриб чиқилди. Федерациялар билан ҳамкорлик, иқтисодий талабаларга индивидуал мураббий бириктириш ишлари етарли эмаслиги қайд этилди. Жиззах политехника институти, Тошкент тиббиёт университетининг Термиз филиали, Қарши давлат техника университети ва Бухоро давлат университетида талабаларнинг 70 фоизи жисмоний нормативларни топира олмаган. Бу эса мазкур олийгоҳларда спорт клублари етарли даражада ишламаётганини аниқлади.

Шу муносабат билан 207 та олийгоҳ ректорларига Термиз давлат университетининг бу борадаги ижобий тажрибасини ўрганиш, спортни ривожлантириш бўйича бир йиллик аниқ режа ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда алоҳида спорт турлари кесимида ҳам натижалар ва муаммолар таҳлил қилинди. Хусусан, ўқ отиш базасида зарур шароитлар яратилгани тўғрисида шубҳа спорт турида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Футбол, спорт курашлари, велоспорт, енгил атлетика ва сузишда ҳам ижобий натижалар борлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, Жиззахдаги 6 та қиличбозлик базасида шугулланувчилар сони 100 нафарга ҳам етмаслиги, батут ва акробатика бўйича салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётгани, теннис ва от спортида натижа-

лар етарли эмаслиги танқид қилинди.

Бугун спортчиларни жароҳатдан тиклаш, мушак ҳолатини текшириш ва функционал таҳлил қилиш ишлари, асосан, хорижда амалга ошириляётгани, федерациялар спорт шифокори, фармаколог ва диетологлари четдан жалб қилишга мажбур бўляётгани таъкидланди.

Эндиликда ҳар бир ихтисослаштирилган тиббиёт маркази тегишли спорт федерациялари билан ҳамкорлик қилади. Улар ҳар ой терма жамоа аъзоларининг соғлигини диагностика қилади, жароҳат олиш хавфини баҳолайди, жисмоний оқламани илмий таҳлил қилиб, мураббийларга тиббий тавсиялар беради.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қатор ташаббусларни ҳам илгари сурди.

Эндиликда маҳаллада оммавий спорт натижадорлиги фақат қамров билан эмас, балки аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари бўйича ҳам баҳоланади. Ҳар бир вилоятда биттадан туманда “саломатлик баланси” шакллантирилди. Спорт билан фаол шугулланувчи аҳоли орасидан “соғлом ҳаёт волонтерлари” корпуси ташкил қилинади. Улар маҳаллаларда спорт ва соғлом турмуш тамойилларини тарғиб қилади.

Ҳар бир туманда ушбу тизимда энг намунавий бўлган 10 тадан маҳаллага бепул спорт формаси ва анжомлари бериб борилади. Қайси маҳаллада спортга қамров ошса, аҳолининг саломатлиги яхшиланса, юрак-қон томир ва диабет касалликлари қамалса, йил якуни билан волонтер ҳамда маҳалла раисига 15 миллион сўмга мукофот берилади. Ушбу маҳаллада оммавий спортга масъул тренерга эса 200 фоизгача ойлик устама тўланади.

Дунёда махсус жиҳоз ва катта инфратузилмани талаб қилмайдиган интенсив машғулотлар, жумладан, кросс-фит оммалашаётгани қайд этилди. Шу боис 1 майгача барча мактаб ва техникумларда бу бўйича тўғарақлар ташкил этиш топширилди. Келгуси йилдан кросс-фит “Беш ташаббус” тизимига киритилади.

Йиғилишда давлат органлари ва ташкилотларида ҳам спортни оммалаштириш бўйича янги тартиб белгиланди. Энди ҳар бир вази, тармоқ ва банк раҳбари, вилоят ва туман ҳокими ўз ходимларининг спорт билан шугулланиши учун намуна бўлиши ва шароитларни кенгайтириши шарт.

Шу мақсадда ҳафтаинг бир кун спорт кунли сифатида белгиланади. Бу кунда вазилик, идора ва ташкилотларда спорт машғулотлари ўтказилади. Жорий йилдан бош-

лаб ҳар йили вазиликлар, тармоқлар, банклар ва ҳокимликлар ўртасида республика биринчиликлари ўтказилади.

Хусусий сектор меҳнат жамоаларида ҳам оммавий спортни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратилади. Жумладан, тадбиркорлар ўз ишчи-хизматчилари учун спорт зали ва майдонча қуриш ҳамда жиҳозлашга қилган харажатларини фойда солиғи билан қилинган мураббийлар учун даромад солиғи ва ихтимойий солиқ 1 фоиз миқдорда белгиланади.

Йиғилишда аҳолини спортга жалб қилиш ва селекция ишларида “маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — федерация” занжирини асосида мутлақо янги ёндашув жорий этилиши маълум қилинди.

Энди олийгоҳ ректори, федерация раҳбари ва ҳоким ўртасида уч томонлама шартнома тузилади. Унга кўра, ҳокимлар худуддаги мактаб, техникум ва бошқа спорт объектида дарсдан ташқари вақтда спорт тўғарақлари ташкил этиш учун шарт-шароит яратади.

Шунингдек, спорт йўналишидаги олийгоҳлар талабаларини дуал таълим билан қамраб олиб, уларни мураббийлик қилиш учун тўғарақларга юбориш муҳимлиги қайд этилди. Бундай талабаларга автоматик тарзда мураббийлик сертификати берилади. Тўғарақлардан тўғарақнинг 50 фоизи мураббий талаба ихтиёрида қолади. Дуал таълим битирувчиларига диплом билан бирга ҳақамлик сертификати ҳам берилади.

Йиғилишда жорий йилда янги тизим орқали доимий спорт билан шугулланувчилар сонини 2 қарра ошириб, 1 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилди. Мутасаддиларга суъний интерлект ёрдамида спортчи ва мураббийлар натижаларини таҳлил қилиш, машғулотлар режасини тузиш имконини берадиган ягона платформа яратиш топширилди.

Спорт соҳасидаги илмий ишлар эса бундан буён фақат долзарб муаммолар ечимига қаратилган бўлиши, натижаси тўғридан-тўғри амалиётга жорий қилиниши шартли кўрсатиб ўтилди. Агар олимларнинг илмий иши натижа берилса, спортчиларнинг утуқлари ва халқаро мусобақалардаги медаллари кўпайса, бундай олимлар 100 миллион сўмдан мукофотланади.

Олимпия ва паралимпия харақини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилдан Президент олимпиадаси доирасида мусобақа ўтказиладиган спорт турлари 2 қарра кўпайтирилиб, 21 тага етказилди. Энди мазкур мусобақалар параспорт бўйича ҳам ташкил этилади. Ҳар бир туман ва

вилоят ҳокими ўз худудида Ҳоким олимпиадасини ўтказсади. Уларнинг қилибери Президент олимпиадасига йўлланма олади.

Адаптив спорт турлари бўйича кадр тайёрлаш ва малака ошириш тизими ҳам тубдан янгиланади. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетининг Тошкент филиали инклюзив спорт бўйича таянч олийгоҳга айланади.

Президентимиз параспортчиларимиз эришаётган натижаларда уларга туну кун ҳамроҳлик қилаётган фидойи инсонларнинг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Энди ўқув-йиғинлар, республика ва халқаро мусобақаларда параспортчи ҳамроҳлик қилган шахсларнинг транспорт ва яшаш харажатлари қоплаб берилади. Уларга ҳар ой спорт мактаби тренерлари ойлигига тенг миқдорда маош тўланади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда спорт инсон саломатлиги ва юқори натижалар гарови бўлиши билан бирга даромад келтирадиган соҳага ҳам айланиши зарурлигини таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, футбол бўйича миллий чемпионат уйинларини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Айрим уйинлар иш вақтида ўтказиляётгани сабабли муҳлислар ташрифи қутилган даражада эмаслиги айтилди.

Уйинлар вақтини да мунглик кечки соат 19:00 дан кейин белгилаш, стадионлар атрофида қўшимча хизматлар, мусликий ва кўнгличор тадбирлар ташкил этиш, муҳлислар учун қўлай транспорт қатновини йўлга қўйиш, арзон футбол турпакетларини тақлиф этиш орқали стадионларга муҳлислар ташрифини кескин ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси берилади.

Йиғилишда жойлардаги спорт инфратузилмаси ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, худудларда 39 та очик ва ёпиқ спорт иншооти ташкирталаб аҳолида бўлгани сабабли тўлиқ ишлатилмапти. Мутасаддиларга бундай объектиларни замонавий спорт мажмуаларига айлантириш учун қўлай шартларда хусусий шерикликка бериш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Спорт мактабларида ёшлар қизикадиган ноолимпия спорт турлари бўйича ҳам секциялар ташкил этиш, Ўзбекистон ноолимпия спорт турлари конфедерациясини тузиш тақлифи маққулланди.

Йиғилиш давомида давлатимиз раҳбари соҳа раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботларини тинглади, тадбиркор ва спортчилар билан мулоқот қилди.

РОССИЯ БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

7 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Валентина Матвиенкони таваллуд кунини билан самимий табриклаб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустақамлашга икки мамлакат парламенти фаол ҳисса қўшаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлар юқори палаталари ҳамкорлиги бўйича комиссиянинг йиғилишлари ҳар йили ўтказиб келинмоқда. МДХ Парламентлари Ассамблеяси доирасидаги алоқалар ҳам самарали йўлга қўйилган.

Мулоқот якунида Ўзбекистон етакчилиги икки мамлакат парламенти ўртасидаги яқин ва сермақсул ҳамкорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлади.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга оид, жумладан, техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти, мақсулотларнинг умумий хавфсизлигига, бозор назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, қурилиш соҳасида давлат назоратини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади

Давлат депутати “Ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси муфоза вазири, генерал-лейтенант Шухрат Холмухамедов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва мақсу тузилмалар ҳодимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳа билан ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсиялари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини қонун билан белгилаш, ушбу пенсияни тайинлаш шартлари, турлари, миқдорлари ва тартибига оид нормаларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматда 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсиянинг базавий миқдорини аниқлашда иш ҳақининг ҳисобга олинмаган миқдорини 75 фоиздан 100 фоизга ошириш, шунингдек, пенсия тайинлашда асос бўладиган пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорини ўн бараваридан келиб чиқиб ҳисоблаш амалиёти ўн икки бараваридан келиб чиқиб амалга ошириш тақлиф этилмоқда. Тақдим этиляётган имтиёзлар Ватанимиз ва халқимиз хавфсизлигини таъминлашда узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган, ўз ҳаётини юртимиз истикбол учун бахшида қилиб фидойилик қўсатган ҳарбийларимизни қўшимча рағбатлантириш, ёшларимизда бу соҳага меҳр ва иштиёқни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби мақсадларни назарда тутган.

Муҳокамада сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, бир қатор депутатлар қонун лойиҳаси қабул қилинишининг бугунги кундаги аҳамияти, долзарблиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасидаги нормалар ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлиги ва ҳарбий хизмат жозибдорлигини ошириш, пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни аниқ тартибга солиш, шунингдек, соҳага ёшларнинг қизиқиши ва интилишини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Мувофиқлик презумпцияси» тамойили жорий этилади

“Мақсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

7 апрель кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳуқуқат аъзолари, вазирилик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб бори.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Мамлакатимизда шаҳарларни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, фуқароларнинг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш давлат сисбатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қонуннинг асосий мақсади аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, сейсмик жиҳат-

дан хавфли ва жисмонан эскирган биноларни босқичма-босқич янгилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш ҳамда шаҳар муҳитини замонавий талаблар асосида шакллантиришдан иборат.

Шаҳарсозлик реновациясини амалга ошириш жараёни очик ва шаффоф бўлиши, реновация дастури жамоатчилик учун очик бўлган “Шаҳарсозлик реновацияси” электрон платформасига жойлаштирилиши ва оммавий ахборот воситалари ҳамда ваколатли органларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилиши алоҳида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, компенсациянинг тўрт хил шакли назарда тутилмоқда. Жумладан, компенсация шаҳарсозлик реновацияси худудидида янги ёки бошқа жойдаги турар ва нотурар тоифадаги объектни мулк қилиб бериш, пул маблағлари ёхуд келишув битимида назарда тутилган бошқа шакллар орқали амалга оширилади. Компенсация шакли мулкдор ва Шаҳарсозлик реновациясини амалга ошириш дирекцияси ўртасидаги



Ахборот: МУҲАММАДЖОВ Олтин, спорт

келишувга мувофиқ ихтиёрий равишда танланади.

Мулкдорларга етказилган ноқулайликлар учун компенсация миқдорининг ўн икки фоизи миқдоридан бир мартали пул маблағлари берилиши белгиланмоқда.

Энг муҳими, тенглик ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя

қилишнинг устуворлиги шаҳарсозлик реновациясининг асосий тамойилларидан бири этиб белгиланмоқда. Бундан ташқари, кўчирини ёки вақтинча ижарага чиқиш зарурати юзга келганда фуқаролар тайёр худудга, ноғиронлиги бўлган шахслар эса қўлай муҳитга эга тураржойларга кўчирилиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

1 Қонунда мулкдорлар ҳуқуқларининг устуворлиги таъминлаш, давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдор фойдасига талқин этилиши кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Сенат аъзолари ўз чиқишларида эскирган уй-жой фондини янгилаш ва аҳолига замонавий инфратузилма яратишга қаратилган мазкур қонун шарҳларимизнинг барқарор ва режали ривожланишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, ялпи мажлисда янги тахрирдаги "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ амалдаги "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонун бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Янги тахрирдаги "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонуннинг асосий мақсади автомобиль йўллари ривожлантириш, улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, йўл фаолияти соҳасидаги муносабатларни замонавий талаблар асосида тартибга солишдан иборатдир.

Қонунда автомобиль йўллари соҳасида амал қилиниши шарт бўлган асосий принциплар аниқ белгилаб қўйилмоқда. Яъни йўллар илмий ҳисоб-китоблар асосида лойиҳаланиши, қарорлар очик ва шаффоқ бўлиши, энг муҳими, йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши, табиатга зарар етказилмаслиги ҳамда ҳар бир фуқаро йўллардан тенг ва қулай фойдаланиши имкониятига эга бўлиши белгиланмоқда.

Қонунда муҳим янгилик сифатида автомобиль йўллари белгиланган тартибда пуллик бўлиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда. Қонунга мувофиқ автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси белгиланмоқда.

Қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, автомобиль йўлларида сунъий тўсиқлар ва нотекисликлар яратиш тақиқланмоқда, озир вақтида ва йирик қабаритли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши эса фақат махсус рўхсатнома асосида амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Қонунда пуллик йўллари ташкил этиши, давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш, тўловларнинг автоматлаштирилган тарзда ундириши, фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги оммавий шартнома каби муносабатлар тартибга солинмоқда.

Сўзга чиққанлар мазкур қонун нормалари йўллари асраш, авариялар соини камайтириш ва инсон ҳаётини муҳофаза этишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши, мамлакатимизда йўл инфратузилмаси ривожланишига, ҳаракат тезлиги ортиб, тирбандликлар камайишига, йўл-транспорт ҳодисалари сони қисқаришига замин яратди.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Шундан сўнг "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди. Мамлакатимиздаги кўчмас мулк бозори сўнгги йилларда жадал сурьатлар билан ривожланмоқда, янги тураржой массивлари барпо этилмоқда, ипотека бозори кенгаймоқда, инвестициявий фаоллик ортиб бормоқда. Шу билан бирга, бозорда норасмий воситачиларнинг кўпайиши, "яширин иктисодиёт"нинг сақланиб қолиши ва айрим ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши каби салбий ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Ялпи мажлисда сенаторлар риэлторлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замонавий тенденциялар ва қонунчиликдаги ўзгаришларга мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келаятганини таъкидлади.

Мазкур қонунда риэлторлик фаолиятининг асосий принциплари белгиланмоқда, бу қонунийлик, ҳолислик, ҳалоллик, ахборот махфийлиги ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги ўз ичига олади. Ушбу қонундан орқали ҳар бир риэлтор ёки кўчмас мулк агенти ўз мижозига ҳалол хизмат кўрсатиши, унинг ишончини оқлаш мажбуриятини олади.

Риэлторлар профессионал жамоат бирлашмаларининг соҳага кириб келиши — ушбу қонун билан киритилаётган нормаларнинг муҳим жиҳатларидан биридир, яъни қонунда жамоат бирлашмалари ўзини ўзи бошқаришининг асосий механизмларидан бири сифатида белгиланмоқда. Улар сертификатлар беради, риэлторларнинг малакасини баҳолайди ва уларнинг касбий ҳуқ-атвори устидан назорат олиб боради.

Сенаторлар ўз чиқишларида қайд этганидек, қонуннинг асосий мақсадлари — бизнеснинг "соядан" чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, очиклик ва шаффоқлиқни таъминлаш, лежал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш, "яширин иктисодиёт"га қарши курашишга кенг жамоатчиликни жалб қилишдир.

Шунингдек, ялпи мажлис давомида сенаторлар мазкур қонун кўчмас мулк бозори иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоялашга хизмат қилишини таъкидлади.

Сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлис давомида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ этиш ҳамда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат — "Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, суд-экспертлик фаолияти суд ишларини ҳар томонлама, ҳолис ва адолатли кўриб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Суд экспертизаси хулосаларининг илмий асосланганлиги ва ишончилиги суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли қабул қилиниши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Охириги йилларда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан биргаликда айрим ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги сенаторлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Ушбу қонун амалга оширилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда:

- нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми, уларни ташкил этиш, фаолият йўналишлари белгиланмоқда, шунингдек, нодавлат суд-экспертлари бюро ташкил этган ҳолда яқка тартибда фаолият юритишга рўхсат берилмоқда;
- адвокатнинг сўровига асосан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларига мувофиқ шартнома асосида давлат ва нодавлат суд экспертлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш тартиблари назарда тутилмоқда;
- суд-экспертлик фаолиятининг янда ишончилигини ошириш мақсадида аккредитация ва валидация институтлари жорий этилмоқда;
- суд-экспертиза муассасалари (ташкilotлари), суд экспертлари ҳамда суд-экспертиза тадқиқотларида фойдаланиладиган услубий раўйхатнинг давлат реестрини юритиш йўлга қўйилмоқда;
- давлат суд-экспертиза муассасалари экспертлари ҳамда нодавлат суд экспертлари фаолияти тўғрисида эксперт-малака комиссиялари тузилмоқда;
- суд экспертларининг касб-этика қоидалари ва экспертизани ўтказишга доир чекловлар жорий қилинмоқда (экспертнинг яқин қариндоши, нодавлат экспертиза муассасаси мулкдори бўлса ва б.);
- Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ваколатли давлат органи сифатида Адлия вазирлигининг суд-экспертлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилмоқда;
- нодавлат суд экспертларини бирлаштирувчи, уларга яқиндан қўмақлашувчи суд экспертлари палатасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда;
- суд экспертизасини чет давлатнинг суд экспертларини жалб қилиш орқали ўтказиш механизмлари белгилаб берилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар таъкидлаганидек, қонуннинг қабул қилиниши суд-экспертлик фаолиятининг мустақиллиги ва шаффоқлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг одил судловдан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлисида "Давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда давлат органи ёки мансабдор шахсининг қонуний қарори туфайли етказилган зарарни қоплаш ягона қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинмасдан, 10 дан ортқ қонун ва қонуности ҳужжатлари билан белгиланган.

Аммо фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга оширишнинг аниқ механизми мавжуд эмас. Шу боис ушбу соҳадаги муносабатларнинг ва тартиб-таомилларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мазкур қонун юқорида қайд этилган масалаларнинг ҳуқуқий ечими бўлиб, унинг мақсади давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф фаолияти туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда зарарнинг ўрнини регресс тартибда ундиришни тартибга солишдан иборатдир.

Зарарнинг ўрни қоплаб берилганда ва кейинчалик зарар етказган айбдор шахсга нисбатан қонунга мувофиқ регресс ҳуқуқи юзага келган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари айбдор шахс фаолият юритаётган ёки муқаддам ишлаган давлат органига талабнома киритиши белгиланмоқда.

Қонунда қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, очиклик ва шаффоқлик каби асосий принциплар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, мулкий зарарларни қоплаш учун ҳудудий мақсадли жағмарлар маблағларини шакллантириш ва уларнинг манбалари аниқ кўрсатилмоқда. Сенаторлар қайд этганидек, қонуннинг қабул қилиниши қонунга хилоф қарорлар туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши тўғрисидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга ҳамда айбдор мансабдор шахсларни белгилан-

ган тартибда жавобгарликка тортишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида айрим муаммолар мавжудлиги таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидеги экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдори камлиги сабабли улар ўзининг сезиларли тарбиявий ва профилактик аҳамиятини бермаяпти.

Маъмурий жарималарнинг мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилиши эса корхоналар учун сезиларли молиявий таъсир кўрсатмасдан, мулкдорда "жазосизлик туйғуси" шаклланишига олиб келмоқда.

Амалиётда бундай муаммолар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этганлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар белгиланмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддаси (атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик) тўлдирilib, ёқил учун мўлжалланмаган жойларда ва (ёки) қурилмаларда ёқилгини, ёқилги сифатида фойдаланиладиган моддаларни ёки моддалар аралашмасини, ёқилги ҳисобланмайдиган материалларни ва чиқиндиларни очик аланга олдириб ёқил, шунингдек иссиқхоналарда, ишлаб чиқариш биноларида, ёндириш ускуналарида ёки бошқа объектларда ёқилги сифатида шишаларни, битумни, мазутни, плёнкани, синтетик қартонни, резинани, жун толасини ёқил ва шунга ўхшаш компонентларни ўз ичи-

га олган чиқиндиларни ёқил учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, табиий ресурсларнинг кафолатланган ҳимояланишига, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда давлат экологик назоратини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

Шундан сўнг ялпи мажлисда "Қуриқлаш фаолияти таъминлаш, табиий ресурсларнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидеги экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, табиий ресурсларнинг кафолатланган ҳимояланишига, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда давлат экологик назоратини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқуллади.

Шунингдек, қуриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича рўхсатнома бериш ваколатини Ички ишлар вазирлигига ўтказиш, тадбиркорлик субъектлари учун эса хабардор қилиш тартибини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ушбу қонун жамоат ҳуқуқсизлигини мустаҳкамлаш, аҳоли тинчлиги ва "Инсон қадрли — олий қадрият" тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонунда хавфсизликни таъминлашда жазолашга эмас, балки профилактикага ҳамда жамоат тартиби, профилактика ва қуриқлаш фаолияти ягона тизим сифатида самарали ишлашига устувор аҳамият берилди.

Сенаторлар қонунни маъқуллади. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи йил кунни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

МАҚСАД – ҚУЛАЙ ВА ФАРОВОН ЯШАШ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Олий Мажлис Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи кунда халқимиз манфаатларига хизмат қилувчи қатор қонунлар муҳокама этилиб, маъқуллади. Юртдошларимизни иқтисодий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти хусусида сенаторларнинг мулоҳазаларини эътибор олдик.

Барча зиддиятлар жисмоний ва юридик шахслар фойдасига талқин қилинади

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:

— Мамлакатимиз қонунларида ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоялаш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари кафолатланган. Шунингдек, ҳар қандай етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига ҳам эгаллиги белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, бугунги кунда бундай зарарларнинг ўрнини қоплаш ягона қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинмаган. Бундан ташқари, фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга оширишнинг аниқ механизми ҳам мавжуд эмас. Мисол учун, шу пайтга қадар Тошкент шаҳрида етказилган зарарлар компенсация жағмарлари ҳисобидан қопланган бўлса, бошқа ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағларидан ундириб берилган.

Энг муҳими, етказилган мулкий зарарларни айбдорлардан регресс тартибда ундириш асослари ва тартиби ҳам қонунчиликда аниқ белги-ланмаган. Бу каби ҳолатлар ушбу соҳадаги муносабатлар ва тартиб-таомилларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш учун алоҳида қонунга эҳтиёжни юзага келтиряётган эди. Шу боис "Давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда зарарнинг ўрнини регресс тартибда ундириш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, "Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, табиий ресурсларнинг кафолатланган ҳимояланишига, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда давлат экологик назоратини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

салбий ҳолатлар ҳам учра-моқда.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада 285 та риэлторлик ташкилоти, 684 нафар риэлтор ҳамда Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси ва Ўзбекистон Риэлторлар гильдияси фаолият юритмоқда.

2024 йилда кўрсатилган риэлторлик хизматлари ҳажми 50 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 108 нафар норасмий воситачи (маклер) умумий қиймати 3,9 трлн. сўмлик 19 мингта кўчмас мулк билан боғлиқ битимларда вакил сифатида қатнашган. Ва рақамлар ҳам риэлторлик хизматининг анча ривожланганини кўрсатади.

Амалдаги "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун 2010 йилда қабул қилинган бўлиб, у бугунги ривожланиб бораётган кўчмас мулк бозорининг замонавий талабларини қамраб олган.

Хусусан, унда риэлторлик фаолиятини "соядан" чиқариш, соҳада яширин амалиётларни қисқартириш, кўчмас мулк бозорининг рақамли трансформацияси ва риэлторлик хизматларини "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиш бўйича ҳуқуқий инструментлар белгиланмаган. Шунингдек, риэлторлик субъектлари фаолиятининг шаффоқлигини таъминловчи механизмлар назарда тутилмаганиги боис истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига шариёт яратилган.

Янги тахрирдаги "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун, биринчи навбатда, бизнеснинг "соядан" чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Ҳўш, у қандай ишлайдими? Биринчидан, қонун "яширин иктисодиёт"нинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш ҳолатларини оидинлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, риэлторлик фаолиятини тартибга солиш шакли сифатида лицензияланиш бекор қилиш ва баъзи функцияларни ўзини ўзи бекор қилиш жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказишни таъминлайди.

Учинчидан, риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи ва риэлторлар ўз йўналишларидаги профессионал жамоат ташкилотлари билан биргаликда молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда риэлторлик ташкилотлари шисифатини ташқи назорат текширувдан ўтказиш имконияти яратилади.

Шунингдек, риэлторлик хизматларини

кўрсатиш тартибини белгиловчи миллий стандартлар институтини шакллантирилиб, риэлторлик хизматларини "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиш, кўчмас мулкка оид ҳисоб-китобларни электрон шаклда амалга ошириш (клиринг) имконини берувчи мультимедий тизимларини ташкил этиш тартиби жорий қилинади.

Риэлторлар профессионал жамоат бирлашмаларининг соҳага кириб келиши ушбу қонун билан киритилаётган нормаларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Негаки, эндиликда қонун билан жамоат бирлашмалари ўзини ўзи бошқаришнинг асосий механизмларидан бири сифатида белгиланади. Яъни улар сертификатлар беради, риэлторларнинг малакасини баҳолайди ва касбий ҳуқ-атвори устидан назорат олиб боради.

Жазо келтирилган зарарга мутаносиб бўлиши керак

Анвар ТҮЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:

— Ҳозирда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳамда жавобгарликнинг муқарраллиги принципини аҳоли учун экологик жиҳатдан янада ҳўжжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Хусусан, унда риэлторлик фаолиятини "соядан" чиқариш, соҳада яширин амалиётларни қисқартириш, кўчмас мулк бозорининг рақамли трансформацияси ва риэлторлик хизматларини "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиш бўйича ҳуқуқий инструментлар белгиланмаган. Шунингдек, риэлторлик субъектлари фаолиятининг шаффоқлигини таъминловчи механизмлар назарда тутилмаганиги боис истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига шариёт яратилган.

Янги тахрирдаги "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун, биринчи навбатда, бизнеснинг "соядан" чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Ҳўш, у қандай ишлайдими? Биринчидан, қонун "яширин иктисодиёт"нинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш ҳолатларини оидинлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, риэлторлик фаолиятини тартибга солиш шакли сифатида лицензияланиш бекор қилиш ва баъзи функцияларни ўзини ўзи бекор қилиш жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказишни таъминлайди.

Учинчидан, риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи ва риэлторлар ўз йўналишларидаги профессионал жамоат ташкилотлари билан биргаликда молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда риэлторлик ташкилотлари шисифатини ташқи назорат текширувдан ўтказиш имконияти яратилади.

Шунингдек, риэлторлик хизматларини

кўрсатиш тартибини белгиловчи миллий стандартлар институтини шакллантирилиб, риэлторлик хизматларини "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатиш, кўчмас мулкка оид ҳисоб-китобларни электрон шаклда амалга ошириш (клиринг) имконини берувчи мультимедий тизимларини ташкил этиш тартиби жорий қилинади.

Риэлторлар профессионал жамоат бирлашмаларининг соҳага кириб келиши ушбу қонун билан киритилаётган нормаларнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Негаки, эндиликда қонун билан жамоат бирлашмалари ўзини ўзи бошқаришнинг асосий механизмларидан бири сифатида белгиланади. Яъни улар сертификатлар беради, риэлторларнинг малакасини баҳолайди ва касбий ҳуқ-атвори устидан назорат олиб боради.

Жазо келтирилган зарарга мутаносиб бўлиши керак

Анвар ТҮЙЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:

— Ҳозирда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона

ГОЛИШЕВ ВЯЧЕСЛАВ АРКАДЬЕВИЧ

Давлат ва жамоат арбоби Голишев Вячеслав Аркадьевич шу йилнинг 7 апрель куни 75 ёшида вафот этди.



Вячеслав Голишев 1951 йил 4 майда Россия Федерациясининг Омск шаҳрида туғилди. 1972 йилда Тошкент халқ ҳужалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодий университетини) тугатиб, иқтисодчи мутахассислигини олди. 1980 йилда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетини аспирантурасини тамомлади ва номзодлик диссертациясини химия қилди.

1992 — 1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти директори ўринбосари, Истикболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. В. А. Голишев 2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий вазири, иқтисодиёт ва таъқиқ иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари лавозимларида меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг муҳим йўналишларига раҳбарлик қилди.

Давлат бошқаруви соҳасидаги фаол ва ташаббускор ходим сифатида кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб, ўзининг бой тажрибаси, чуқур билим ва салоҳияти, фидойилик ҳамда ватанпарварлик фазилатларини намойён этди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида оид давлат дастурлари ва концептуал ҳужжатларни ишлаб чиқишда бевосита қатнашди.

Бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланди, парламентаризм, мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг қонунчилик базасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлди.

Вячеслав Голишевнинг мамлакатимиз ва халқимиз олдидagi улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи" фахрий унвони, "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

Давлат ва жамоат арбоби, иқтисодиёт соҳасидаги йирик олим ва мутахассис, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Вячеслав Аркадьевич Голишевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. АЮПОВ, С. ТУРДИЕВ

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Ушбу қонун лойиҳаси билан но-озик-овқат маҳсулотлари учун умумий хавфсизлик қоидалари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, айрим юқори хавфли маҳсулотларга нисбатан янада қатъий талаблар қўйиш кўзда тутилган. Маҳсулотларнинг хавф даражасига қараб тоифалаш орқали уларни назорат қилиш тартибини такомиллаштириш тақдирланди.

Лойиҳада Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар бўйича битими талаблари инобатга олинган. Хусусан, техник регламентлар халқаро савдода ортиқча тўсиқлар яратмаслиги, маҳсулотлар учун тенг шарт-шароитлар таъминланиши ҳамда истеъмолчиларни қалғитувчи ҳолатларнинг олдини олиш таъминланиши мустаҳкамланган.

Лойиҳага мувофиқ, ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар зиммасига қатта масъулият юкланмоқда. Улар маҳсулотнинг талабларга мослигини баҳолаб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириши, зарур ҳолларда эса маҳсулотни махсус мувофиқлик белгиси билан тамгалаш шарт бўлади.

Яна бир янгилик — "мувофиқлик презумпцияси" таъминли жорий этилаётганидир. Яъни амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хавфсиз, деб ҳисобланади.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар ўртага ташланди.

Дилмурод АРТИҚОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида "жамоат манфаатлари" ҳамда "минимал ва мақбул хавф-хатарлар" каби баҳоловчи тушунчалар қўлланилгани сабабли уларни амалиётда турлича талқин қилиш эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, барча турдаги маҳсулотлар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш имконияти чекланганлиги хавфга оғланган, мазкур нормалар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноаниқлик ва қўшимча маъмурий юктамаларни келтириб чиқармайдими?

Бунга жавобан масъуллар амалиётдаги ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда батафсил маълумот бериб ўтди. Лойиҳадаги нормалар натижада истеъмолчиларни химия қилиш даражаси янги босқичга кўтарилди, уларнинг маҳсулотларга ишончи мустаҳкамланди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Миллий маҳсулотлар экспорти кенгайтирилади

Мажлисида мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Унда маҳсулотларнинг мувофиқлиги баҳолаш тизимини такомиллаштириш, стандартларни ихтиёрий қўллаш амалиётини кенгайтириш, метрология соҳасини халқаро талаблар асосида қайта ташкил этиш ҳамда аккредитация органлари фаолияти мустақиллигини қучайтириш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимлари талаблари билан уйғунаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, амалдаги қатор қонунларга, жумладан, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида", "Метрология тўғрисида" ҳамда "Мувофиқлиги баҳолаш органларининг аккредитация қилиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилмоқда. Техник регламентлар орқали маҳсулот хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизми жорий этилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, аккредитация тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, унинг шаффофлигини таъминлаш ва халқаро стандартларга мувофиқлигини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонун лойиҳасида жавобгарлик механизми ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, техник регламентларда белгиланган мажбурий талабларга риоя этмаган ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчиларга нисбатан қатъий молиявий санкциялар жорий этилиши белгиланган.

Депутатларнинг фикрича, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини халқаро талабларга мослаштириш, давлат назоратини оптималлаштириш, инновацияларни жорий этиш суратларини ошириш ҳамда миллий маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳити янада қучаяди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бозор назорати тизими — янги босқичда

Мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Бозор назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Қайд этилганideк, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Натижада бозорларда маҳсулотлар тури ва ҳажми изчил ортиб борапти. Лекин амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш тизими бозордаги барча ноозик-овқат маҳсулотларини тўлиқ қамраб олиш имконини бермайди. Бу эса маҳсулотлар сифатини таъминлаш, уларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига таъсири баҳолашда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу муносабат билан истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, бозорга кириб келган барча ноозик-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиғига хавфсизлигини ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмаслигини таъминлашга қаратилган бозор назоратини амалга ошириш механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган "Бозор назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳада бозор назоратини амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари, хусусан, назорат харидлари, маҳсулотлар экспертизаси, жойига чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда. Шунингдек, маҳсулотлар ноумувофиқлиги ёки истеъмолда жиддий хавф-хатар тўғрисида аниқланганда кўриладиган таъсир чораларига оид нормалар акс эттирилган.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган, импорт қилган ёки тарқатган шахсларга нисбатан таъсир чоралари аниқ белгиланиши, жумладан, маҳсулот муомаласини вақтинча тўхтатиб туриш, уни қақриб олиш ёки бозордан чиқариш каби чоралар назарда тутилганлиги истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини химия қилиш имкониятини кенгайтиради.

Белгиланган техник тартибга солиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қучайтирилганлиги ҳамда истеъмолда жиддий хавф тўғрисида маҳсулотларни муомаласига чиқарилганлик учун молиявий жарималар жорий этилиши халқ вакиллари эътиборида бўлди.

Мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар ўртага ташланди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Тушунтириш хатида келтирилишича, қонун лойиҳаси 16 та вазирлик ва идора билан келишилган. Эътирозлар бўйича бир тўхтама келинган 12 та вазирлик ва идора таркибиде қонун лойиҳасининг 10-моддасида баён этилган "Бозор назоратини мувофиқлаштириш кенгаши" таркибига кирувчи, хусусан, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химия қилиш қўмитаси, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химия қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) қабили бор. Уларнинг асосий эътирозлари нималардан иборат бўлди ва бу қонун лойиҳасида қанчалик ўз аксини топди?

Қонун лойиҳасига масъуллар томонидан бу бўйича атрафлича тушунтириш бериб ўтилди. Депутатлар муҳокамалар давомида иқтисодий операторларнинг жавобгарлиги, етказилган зарарни қоплаш механизми, соҳани молиялаштириш ҳамда низоларни кўриб чиқиш тартибларини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифларни илгари сурди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳаёти ва соғлиғини химия қилиш, атроф-муҳитга салбий таъсирларнинг олдини олиш, шунингдек, мамлакатнинг халқаро иқтисодий майдондаги интеграция жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Экстремизмга қарши курашиш самарадорлиги ошади

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Таъкидланганидек, бугунги кунда экстремистик ва террорчилик ташкилотлари аҳборот технологиялари ҳамда интернет тармоқларидан фойдаланиб, айниқса, ёшларни зуравонлик ва радикал гояларга жалб этишга уринаётгани кузатиламоқда. Шу боис амалдаги қонунчиликни замон талаблари асосида такомиллаштириш, профилактика чора-тадбирларини қучайтириш, масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мажлисида қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва осийшталликни мустаҳкамлаш, экстремистик гоялар тарқалишининг олдини олиш, ёшларни турли зарарли таъсирлардан химия қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мажлисида қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва осийшталликни мустаҳкамлаш, экстремистик гоялар тарқалишининг олдини олиш, ёшларни турли зарарли таъсирлардан химия қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳужжат билан Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жамоат хавфсизлиги ва тартибга таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг олдини олиш, бу ҳақда хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва химия қилиш, ташкилотларни экстремистик деб эътироф этиш тартибларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган нормалар киритилмоқда. Бундан ташқари, "Аҳборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида", "Аҳборотлаштириш тўғрисида", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Аҳоли бандли-



ги тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида" ҳамда "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилган.

Дунёда кескинлашиб бораётган нотинчлик ва зиддиятлар шароитида амалдаги қонунларга киритилаётган бундай ўзгаришлар, энг аввало, мамлакатимиздаги тинч ва барқарор ҳаётни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада ривожлантиришда унинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Аёллар ва болалар манфаатлари — устувор масала

Депутатлар аёллар ва болаларни зўравонликдан химия қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда айрим жиноятлар терговини самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химия қилиш, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни жинсий зўравонлик ҳамда ахлоққа зид тажовузолардан асрашга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. Айни чоғда амалиёт шунини кўрсатмоқдаки, жинсий эркинликка қарши жиноятларни тергов қилиш жараёнида қатор муаммолар сақланиб қоляпти.

Шу муносабат билан қонун лойиҳасида жинсий эркинликка, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни тергов қилиш ваколатини прокуратура органларига ўтказиш тақлиф этилмоқда. Болаларни зўравонликдан химия қилиш соҳасида прокуратура органларининг ваколатларини кенгайтириш, уларга бундай ҳолатларни текшириш, дастлабки терговни олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш устидан назоратни қучайтириш вазифалари юклатилмоқда.

Шунингдек, жинсий эркинликка қарши жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташ тартибини қатъийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Жиноят-ижро кодексига киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ, Жиноят кодексининг 118 ва 119-моддаларига назарда тутилган жиноятларни вояга етмаганликка нисбатан содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг манзил-колонияларга ўтказилмаслигини назарда тутувчи тартиб белгиланган.

Мажлисида масъул қўмита тақлифига кўра, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қизгин фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди.

Гулшана ХУДОЁРОВА, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Албатта, тақлиф этилаётган ўзгаришлар аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари янада ишончли химия қилинишига, жинсий зуравонлик ҳолатларини фойда олиш ва бу турдаги жиноятларни тергов қилиш сифати ошишига ҳамда жазонинг муҳаррирлиги таъминланишига, шунингдек, мазкур жараёнда қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан қатъий прокурор назорати ўрнатилишига хизмат қилади.

Қизгин муҳокамадан сўнг мазкур ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Курилиш соҳасида янги механизмлар

Мажлисида курилиш соҳасида давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатда ноқонуний курилишларнинг олдини олиш, аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик соҳасида ҳуқуқбузарликларни қисқартириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, айрим ҳолларда ваколатли органлар рўхсатсиз тураржой биноларини куриш ҳолатлари сақланиб қоляпти, қатор объектларда эса сейсмик хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этилмаётгани айтади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан кўп квартиралли уй-жойларни рўхсатсиз курганлик учун жавобгарлигини қучайтириш назарда тутилмоқда. Хусусан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга тегишли ўзгаришлар киритилиб, мазкур ҳуқуқбузарлик учун

маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бундай қоидабузарлик такроран содир этилган тақдирда эса жиний жавобгарлик белгиланиши тақдирланди.

Шунингдек, Шаҳарсозлик кодексига "мастер режа" тушунчасини шаҳарсозлик ҳужжатларининг алоҳида тури сифатида киритиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ҳужжат худудларни комплекс ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва экологик ёндашуларни уйғунаштириш имконини беради.

Шокиржон АХМЕДОВ, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг қатор нормалари депутатларнинг тақлифлари асосида қайта кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг манфаатларидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилди.

Албатта, белгиланаётган янги қоидалар эҳтиёж тобора ортиб бораётган биналар, жумладан, аҳоли тураржойларининг сифатли курилишини таъминлашга қаратилган. Шу нуктаи назардан, мазкур ҳужжат шаҳарсозлик соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, ноқонуний курилишларнинг олдини олиш, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли химия қилиш ҳамда хавфсиз ва сифатли уй-жой курилишини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутади. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ёнгин оқибатида етказиладиган зарарлар кафолатли қопланади

Депутатлар ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонунчиликда ёнгин хавфсизлиги соҳасида комплекс ҳуқуқий, ташкилий ва профилактика чора-тадбирлар ҳамда механизмлар тўлиқ яратилмаганили, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланмаганили ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят кодексларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Хусусан, биналарнинг тоифасидан келиб чиқиб, техник талаблар, жумладан, ёнувчан курилиш материалларини ишлатишни тақиқлаш ва ёнгин натижасида етказилган зарарни қоплашдан ташқари айбдордан товон ундириш (tort law) институтини жорий этиш назарда тутилган. Шунингдек, лойиҳа билан объектларни ёнгин хавфсизлиги талабларига мослиги бўйича аудитдан ўтказиш тартибини йўлга қўйиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳа билан фуқароларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни доираси ҳам кенгайтирилган. Бозорлар, савдо комплекслари ҳамда савдо-кўнгилоғар марказлари мулкдорларига ёнгин юзага келиши натижасида учинчи шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилгани учун фуқаролик жавобгарлиги, шунингдек, ушбу объектларнинг ёнгиндан сугурта қилиш бўйича мажбурият юкланмоқда.

Ноҳира ЖОНИБЕКОВА, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида депутатлар тақлифлари асосида аҳоли манфаатларига зид бўлган айрим нормалар лойиҳа матнидан қақриб ташланди, маҳаллий вакиллик ва

ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари аниқлаштирилиб, ёнгиндан мажбурий сугурта қилишга оид нормалар такомиллаштирилди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёнгинларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳаёти ва соғлиғини ишончли химия қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича аҳоли ва ташкилотлар масъулиятини янада қучайтириш, соҳада ҳодовлат сектор иштирокчини кенгайтириш ҳамда ёнгин оқибатида етказиладиган зарарларнинг кафолатли қопланишига хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Дил сўзи

МЕҲНАТ ОРТИДАН ҚАДР ТОПДИМ

— Президентимиз фармонини кўрдингизми, "Шўҳрат" медали билан тақдирлангиз! Бундай мукофотни Гужимсойда илгари ҳеч ким олмаган, сиз биринчи бўлдингиз.

Тошкентда ишлайдиган укам Жасурнинг телефонда айтган бу гапларидан очиги, шошиб қолдим. Сўнг қизим Севинч кўнгирақ қилди. Ишга борсам, бир гуруҳ ҳамкасблар кучоқ очиб кутиб олишди. Бошлигимизнинг "Жамоамизда давлат мукофоти олганлар яна биттага кўпайди, раҳмат сизга, табриклаймиз!" деб бағрига босгани мени буткул ҳаяжонга солди. Отам кўзиде ёш билан кутиб олди. "Ўғил сифатида ҳам, шогирд сифатида ҳам ишончли оқладинг, баракалла, болам", деди.

Шу кунийк "Гужимсойлик Қаҳҳор Саидовнинг боласи давлат мукофотига сазовор бўлибди", деган хушхабар Зармитану Кўшрабтоддан ошиб, бирпасда олисдаги қариндошлар кулоғимга етиб борди. Телефонда тинимсиз табриқлар — оддий бульдозерчи йигитга шунча эҳтиром, шунча мактов!

Отам қирқ йил геологлар билан елкадош бўлиб ишлади, уларга ҳайдовчилик қилди. У кишига ҳавасим ортиб, қишлоғимиздаги юздан ортиқ одамлар, ёшлар геология соҳасига қизиқди, бугун уларнинг барчаси тақдирини шу тизим билан боғлаган. Илк бор отамнинг ортидан эргашиб автомашинада юзлаб километр йўл босганим, қачон ҳайдовчиликка ҳавас туғилгани ёдимда йўқ, аммо бугун шу касбни танлаб адашмаганимни яна бир қарра қалбан ҳис этдим.

Ўн тўққиз йилдирки, бульдозерчиман, бургилашга мўлжалланган ҳудуддаги тупроқни у ёқдан бу ёққа суриб, ерни қафтдек текислаб бераман. Геологлар бургилашга тушади, натижа кўринганда эса чўл қийқириқларга тўлиб кетади...

Камтарона фаолиятимни юксак баҳолаб, давлат мукофотига лойиқ кўргани учун Президентимизга раҳмат. "Шўҳрат" медали билан тақдирлагани, каттаю кичик орасида ҳурматимни осмон қадар кўтарганидан миннатдорман. Бу нафақат мени, балки геология соҳасида меҳнат қилиб келётган жамоадoshларимни ҳам янада фаол, янада жонкуяр бўлишига рағбатни қучайтирди.

Бундан кейин ҳам самарали меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаман, деб ишонтираман.

Ҳамза САЙТОВ, «Ўзбек геология қидирув» АЖ Самарқанд марказий геология-қидирув экспедицияси

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АДОЛАТ СИМФОНИЯСИ

Миллий давлатчилик ва жаҳон тарихида бекиёс ўрин эгаллайдиган улуг давлат арбоби, саркарда ҳамда буюк теурийлар даври Ренессанси асосчиси Амир Темури ҳаёти ва босиб ўтган шонли йўли бугун чин маънода авлодларга намуна бўлмоқда. Мамлакатимизда унинг шахсиятини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда тарғиб этиш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилган. Хусусан, Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз шаҳарларида Амир Темури хайкаллари ўрнатилган, Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамда Халқаро Амир Темури жамоат фонднинг фаолияти йўлга қўйилган, "Амир Темури" ордени таъсис қилиниб, кўплаб кўчаю хиёбонларга номи берилган.

Амир Темури таваллудининг 690 йиллиги

Сўнгги йилларда ҳам буюк бобоклонимизнинг бетакрор шахсияти, башариат кечмиши ҳамда Турон тамаддунидаги ўрни, шунингдек, теурийларнинг бой ва бетакрор меросини чуқур ўрганиш йўлида қатор ишлар ҳафта татбиқ этиляпти. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 февралдаги "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомиеси Сохибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларга янгича суръат бағишлади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, жорий йилда юртимизда Сохибқирон таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Апрель ойи "Амир Темури ойлиги" деб эълон қилиниб, унинг доирасида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим масканлари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда теуришуно олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, бандий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, XIV-XV асрлар чорраҳасида Урта Осиёнинг марказида буюк теурийлар даври юлдузлар туркуми каби чарақлаб,

Шарқни иккинчи Ренессансининг ёрқин нури билан ёритди. Ушбу ҳодиса нафақат санъат ва маданият, меъморчилик, адабиёт ҳамда илм-фаннинг гуллаб-яшнаши, балки мустақкам ҳуқуқ пойдеворида асосланган давлат қурилиши даври ҳам эди.

Қудратли салтанат асосчиси Амир Темури моҳир саркарда бўлиш билан бирга, қонун ижодкори ҳам эди. У яратган ҳуқуқ ўлкада тартиб ва барқарорлиқни таъминлади. Мана шу авлоднинг вақиллари, хусусан, шох ва шоир Мирзо Бобур ўзга юрда буюк теурийлар аъёнларини янги шароитларга мослаштирди. Олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек эса илм-фан ҳамда таълим ривожини учун қонуннинг аҳамиятини очиб берди.

Сохибқирон ўз салтанатини нафақат моҳир теуричи каби қўлининг қирраси, балки ипак каби қонунларнинг ҳарирлиги билан ҳам мустақкамлади. Унинг тузуқлари давлатнинг тамал тоғига айланди, қатъий мослашувчанлик билан уйғун тарзда давлат ҳудудида тартиб-интизомнинг устуворлигини таъминлади.

Амир Темури ўз тузуқларида давлатни идора қилиш тадбирлари, кенгашлар, вазирилар ва амирларни жой-жойига қўйиш, сипоҳ ва

бошқалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтган. У ҳамма нарсага ўта муҳим масала сифатида қараган. Улуг аждодимиз яратган қонунлар ҳудуд кўёш нурларидек ҳаётнинг барча жабҳасини қамраб олди. Хусусан, қўшун теури интизомга бўйсунди, маъмурият аниқ ва ҳаттоларсиз ишлади, қонун ҳимоясида савдо ривожланди, суд ишлари адолатли таъминланди. Ушбу қонунлар халқ тинчлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилувчи кўринмас посбонларга мензаларди.

Буюк бобомиз ҳар бир ишда адолатни широт тутди. У ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимояга олди, мансабдор шахслар ва ҳарбийларнинг ўзбошимчиликларини чеклади, ҳокимият суиистеъмолиги юз беришининг олдини олди. Шундай қилиб, ҳуқуқ Амир Темури қудратини мустақкамлаш, унинг фуқаролари ўртасида ҳурмат ва ишонч қозонишининг кучли воситасига айланди. Барқарор давлат барпо этишининг пойдевори бўлди.

Буюк теурийлар даври куч, ҳуқуқ ва маданият уйғунлигидаги симфонияни яратган давр бўлиб, унинг оҳанги асрлар оша бизгача етиб келмоқда. Ўша даврдаги давлат ва ҳуқуқ тизими қонун кучи ҳамда маданият тараққиёти ўртасидаги мутаносибликнинг аҳамиятини

чуқур англаш асосида қурилган.

Данолик ва фаросат эгаси бўлган ҳукмдор қонунда нафақат бошқарув, балки маданиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш қудратини ҳам кўрди. Ўша даврда яратилган ҳуқуқий меъёрлар тартиб ва барқарорлиқни таъминлабгина қолмай, санъат ҳамда фан-таълимнинг гуллаб-яшнашига ҳам хизмат қилди. Маданият, ўз навбатида, ҳуқуқ тизимини бойитиб, унга инсонпарварлик ва маънавий қадриятларни киритди.

Замонавий давлат бошқаруви учун теурийлар мероси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Қонун кучи ва маданият тараққиёти ўртасидаги мутаносиблик масаласи ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кучли ва адолатли ҳуқуқий тизим маданият гуллаб-яшнаши, илм-фан ва санъат раванг топиши учун ёрдам бериши керак. Шундагина жаҳоннинг ҳақиқий тараққиёти ва фаровонлигига эришиш мумкин.

Буюк теурийлар қолдирган меросдан донишмандлик асосида яратилган ҳокимият ҳаётнинг турли жабҳаларида уйғун тарзда мавжуд бўлиш учун шароит яратишга қодир эканини ўрганиш мумкин.

Яъни ҳуқуқ маданиятини ҳимоя қилиши ва қўллаб-қувватлаши, маданият эса, ўз ўрнида, ҳуқуқни бойитиши ва юқорига олиб чиқишини англашимиз даркор.

Таъкидлаш лозимки, Марказий

Осиёдаги иккинчи Ренессанс даври нафақат минтақа тарихида, балки жаҳон маданиятида ҳам чуқур из қолдирди. Бу давлатнинг кучи нафақат ҳарбий қудратда, балки ҳуқуқ ва маданият қадрини кўра оладиган ҳукмдорларнинг донишлигида эканини кўрсатди. Буюк теурийлар таъжирбасининг долзарблиги шундаки, унинг сабоқлари ҳар бир инсон ўз салохиятини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлган адолатли ва фаровон жамият қуришга ёрдам беради.

Адолат, инсонпарварлик, билим-ғани интилиш тамойиллари Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти асосини ташкил этади ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида дастуриламалдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва халқаро ҳуқуқ нормаларига таяниб, демократик институтларни мустақкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглиги ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар фаол давом эттириляпти. Эңкилик, инновациялар ва халқаро ҳамкорликка содиқлик ушбу янги Уйғониш даврининг асосий элементлари ҳисобланади. Таълим, илм-фан ва технологияни ривожлантириш, бунёдкорлик ҳамда маданий ранг-барангликни қўллаб-қувватлаш мақсадларимизга эришиш ва фаровон келажак қуришда мустақкам заминдир.

Саидмурод САТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сийбати ва бошқаруви академияси декани,
Мансур ЮНУС,
шу академия доценти.

Демак, Амир Темури ва буюк теурийлар даврида шаклланган давлат бошқаруви таъжирбеси адолат, қонун устуворлиги ва маданият уйғунлигига асосланган муқаммал тизим сифатида намён бўлади. Бу мерос нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки бугунги замонавий давлат қурилиши учун ҳам муҳим назарий ва амалий сабоқ манбаидир. Қонун ва маданият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, инсон қадрини улуглаш ва илм-фанга таяниш каби тамойиллар жамият тараққиётининг мустақкам пойдеворидир. Шу маънода, буюк теурийлар мероси Янги Ўзбекистонда адолатли, фаровон ва маънавий баркамол жамият барпо этиш йўлида илҳомлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

«Ақлли» шифохона: ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида замонавий кўп тармоқли клиника — «ақлли» шифохона фаолият юрита бошлади. Унда бир пайтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам назарий билимларни амалиёт билан ўзаро уйғунлаштириш имконияти яратилди.

Қулайлик



Ўзига хос илмий-амалий лабораторияда тиббиётдаги энг илгор халқаро таъжирбалар бўйича машғулотлар олиб борилади. Айна жараёнда рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсад қилинган.

— Ҳозирги кунда таълим муассасаси тасарруфида бир неча ихтисослаштирилган ана шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. — дейди институти ректори Акмал Сиддиқов. — Бундай мажмуаларда талабалар ўқидан сўнг ўз йўналишида амалий фаолият олиб бориш имконига ҳам эга. Бу битирувчиларни халқаро меҳнат бозорида рақобатдош мутахассис бўлишини таъминлайди.

Айтиш жоизки, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган ушбу марказда Миграция агентлиги билан ҳамкорликда хорижда ишлаш истагида бўлган ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Миграцияга кўмаклашувчи марказ

Қарши шаҳрида Германиянинг "Proscia GmbH" компанияси билан ҳамкорликда ёшларни немис тилига ўқитиб, тартибли миграцияга юбориш маркази иш бошлади.

Имконият

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Қашқадарё вилоятида таълим, ёшларга касб-хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш соҳаларида чет давлатлар билан алоқалар кўлами кенгайиб бормоқда. Жорий йилда Германиянинг

"Proscia GmbH" ва "Motiba" компаниялари кўмагида 3 минг, 2030 йилгача 50 минг нафар ёшни нуфузли немис компанияларига ишга юбориш режа қилинган ҳам шундан далолат беради. Бундан ҳар ой Германиялик иш берувчи компаниялар вақиллари вилоятга келиб, номзодлар билан тўғридан-тўғри сўхбат ўткази



рувчи компаниялар вақиллари вилоятга келиб, номзодлар билан тўғридан-тўғри сўхбат ўткази

ва шу ернинг ўзида меҳнат шартномалари расмийлаштирилиш кўзда тутилган.

Қарши шаҳрида ташкил этилган янги марказ ёшларнинг немис тилини ўрганиши ва келгусида хорижда муваффақиятли ишлагани таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Очилиш маросими иштирокчилари марказда яратилган шартномаларни кўздан кечириб, бугундан немис тилини ўрганишга киришган тингловчилар билан ақиндан мулоқот қилди.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

БИР КУНЛИК ДАБДАБА: КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР?

Инсон борки, ҳаётдаги энг қувончли кунларини яқинлари даврасида, эл-юртга ош бериб, орзу-хавас билан нишонлашни истайди. Тўй икки оила, икки насаб ва қадриятларнинг туташуvidир. Бирок бугунги кунда ушбу муқаддас аъна маънавий байрамдан кўра кўпроқ кимўзар мусобақага, мақтаншиш ва дабдаба намойишига айланиб бораётгани ачинарли.

Мулоҳаза

Халқимизда "Тўй — тўйдек бўлсин" деган нақл бор. Аммо бу "Тўй қарз ва исроф билан бўлсин", дегани эмас. Муқаддас китобда ҳам ушбу масалага алоҳида уруғ берилган. Тўйнинг қиймати дастурхондаги таомлар сони ёки ресторанининг ҳаёми билан эмас, балки ўша хонадондаги меҳр-оқибат, муносабатлардаги самимият билан ўлчанади. Кимдир юз миллионлаб маблағ сарфлаб ҳам ҳузур топпаслиги, кимдир эса камтарона, аммо самимий даврада бахт пойдеворини қўйиши мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилсак, бугунги кунда ўртача дабдабали тўй учун сарфланадиган маблағ ёш оиланинг камида 5 — 10 йиллик молиявий барқарорлигини таъминлашга етади. Афсуски, жамиятимизда "Одамлар нима дейди?" деган сохта, кераксиз

ва кони зарар андиша кўпчиликини иқтисодий жарликка тортмоқда. Биргина мисол, тўйдан кейинги "қарз узиш марafone" ёш оилаларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, янги қурилган оилалардаги ажримларнинг сезиларли қисми айнан моддий етишмовчилик ва тўйдан қолган қарзлар туфайли келиб чиқадиган тортишувлар натижасидир. Қолаверса, "Бошқалардан кам бўлмаслик" тақлиди ота-оналарнинг ҳам соғлиги ва руҳиятига катта зарба берапти. "Нега шунча пулни тўйга кетказдик?", "Буни олмаганимизда яхши бўларди", деган афсус-надо-дат кейинчалик кўп эшитилади. Тўй тантанаси ўтиб кетайди лекин унинг оқибати узоқ давом этади. Ўртадаги муносабатлар, айниқса, қайнона ва келин ўртасида совуқчилик бошланади. Иқтисодчи сифатида шунча таъкид-

лашни истардимки, тўй харажатларини оптималлаштириш — зикналик эмас, балки оқилликдир. Тўйнинг дабдабасидан воз кечиб тежалган маблағни қандай фойдали ишларга сарфлаш мумкинлиги ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрайлик.

Биринчи ўринда, ёш оила учун нима

“Статистик маълумотларга кўра, янги қурилган оилалардаги ажримларнинг сезиларли қисми айнан моддий етишмовчилик ва тўйдан қолган қарзлар туфайли келиб чиқадиган тортишувлар натижасидир.”

зарур — уй-жой ва маиший шароит. Тўйга керагидан ортик ишлатадиган маблағимизни ипотека учун бошлангич тўловга ёки хонадонни совитчилик кир ювиш машинаси каби кўплаб зарур жиҳозлар билан таъминлашга сарфласак, бу ёш оиланинг рўзгорини тезроқ тиклаб олишига ёрдам бермайдими? Оилавий бахт, мустақкам келажак учун ёшларга лозим бўладиган яна бир

зарурат, шубҳасиз, илм. Илм — ҳеч қачон қадрсизланмайдиган ягона бойлик, таълим учун тикилган сармоя эса энг баракалисидир. Кўп ҳолларда тўйдан кейин келин ёки кўёнинг ўқиши учун шартнома пулини тўлашга маблағ қолмайди. Тўйдан тежалган пулни хорижий тилларни ўрганиш, магистрату-

ра ёки касбий сертификатлар олишга йўналтириш лозим ва бу бутун умрлик даромад манбаига айланади. Гапирсак, гап кўп, бир кечалик зиёфат пули кичик бир бизнес бошлаш ёки фойдали инвестиция учун етарли маблағ бўлиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, тўйдаги исрофгарчилик янги қуриляётган оила пойдеворида қўйилган "мина"дир. Кўпин-

ча тўйдан кейинги ширин дамлар ўрнини "Кимдан қанча олувдик?", "Қанча қайтарамиз?" деган изтиробли саволлар эгаллайди. Ёш келин-кўёв ҳали бир-бирини тушуниб улгурмай, моддий тақчиллик ва руҳий босим остида қолади. Шундай экан, юзлаб, минглаб қорни тўк одамларни оёқлантиришга кетадиган пулга ёшларимиз дунё кезишини, оилавий ҳаётни гўзал, бетакрор хотиралар билан бошлашсин. Ишонинг, икки ёшнинг сەҳнатга чиқиши, янги шаҳарлар қўриши уларнинг муносабатларини мустақкамлайди ва бир умрлик ширин хотира бўлиб қолади. Одамлар нима деса-десин, тежамкорлик — доноликдир! Олдиндан режалаштирилган, ҳар бир тийини ҳисобланган камтарона тўй янги оилга фақатгина хотиржамлик ва бахт олиб келади. Фарзандларимизга ўзини кўрсатиш ва дабдаба ўрнига, тежамкорлик ва маънавиятни ўргатайлик.

Шаҳло ЭРҒАШЕВА,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг Умумиқтисодий фанлар кафедраси мудири, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Президент фармонида кўра, олий таълим ва илмий муассасалар муассислигида янги ишланмаларга асосланган «спин-офф» корхоналари ташкил этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг маълумотлари юқлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6784

Таъҳирингта келган кўбемалар таъҳир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумотлари берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таъҳирингта компьютер марказида термалда ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан садиқланади.

Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.50 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Р. Бобоқонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.